

PEDAGOGIKA ILIMLERI

Pedagogika teoriyasi hám tariyxı

АКАДЕМИК СОБИР КАМАЛОВ: ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА СИЁСАТШУНОСЛИК СОХАСИДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИ

А.Р.Абатов – мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

АКАДЕМИК САБИР КАМАЛОВ: НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ОБЛАСТИ ПОЛИТОЛОГИИ

А.Р.Абатов – самостоятельный соискатель

Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук
Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

ACADEMICIAN SABIR KAMALOV: SCIENTIFIC-PEDAGOGICAL AND POLITICAL SCIENCE CAREER IN THE FIELD

A.R.Abatov – independent researcher

Karakalpak Humanitarian Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
research Institute of Sciences

Таянч сўзлар: академик С.К.Камалов, тарих, сиёсий фаолият, депутат, Марказий Осиё, мактаб, ўқитувчи, жамоатчилик фаолияти.

Резюме. Мақолада С.Камаловнинг сиёсий соҳада олиб борган ишлари архив материаллари асосида кенг ёритилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Олий Совети раиси ўринбосари сифатидаги фаолияти ва 1959-1999 йилларда 40 йил давомида узлуксиз Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Олий Советларига депутат даврда ишлари аниқ мисолларда келтирилган. Устоз С.Камаловнинг илмий асарлари ва сиёсий фаолиятидаги ютуқлари мамлакатимизнинг тарихшунослигида ўз аҳамиятини сақлаб қолган фундаментал кашфиётлар бўлиб хизмат қилди.

Ключевые слова: академик С.К.Камалов, история, политическая деятельность, депутат, Центральная Азия, школа, учитель, общественная деятельность.

Резюме. В статье на основе архивных материалов широко освещена деятельность С.Камалова в политической сфере. На конкретном примере освещены его работа в качестве заместителя председателя Верховного Совета Каракалпакстана и в качестве депутата Верховных Советов Каракалпакстана и Узбекистана в течение 40 лет в 1959-1999 годах. Научные труды академика С.Камалова и его достижения в политической деятельности послужили фундаментальными открытиями, сохранившими свое значение в историографии нашей страны.

Key words: academician S.K.Kamalov, history, political activity, deputy, Central Asia, school, teacher, social activities.

Summary. The article based on archival materials, extensively covers the activities of S.Kamalov in the political sphere. Using a specific example, his work as Deputy Chairman of the Supreme Council of Karakalpakstan and as a deputy of the Supreme Councils of Karakalpakstan and Uzbekistan for 40 years in 1959-1999 is highlighted. The scientific works of academician S.Kamalov and his achievements in political activity served as fundamental discoveries that have retained their significance in the historiography of our country.

Кириш. Тарих ўқитувчи, тарих огоҳ қилувчи, тарих хатолардан хулоса чиқаришга чорлайдиган бебоҳа дарс. Тарих ўзлигини ким эканлигини исботлаш усули, халқ маънавий мероси. Шунингдек, ҳурматли Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганидек: «Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз... Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади» [1]. Инсонда тарихга таянмоқ, ундан маънавий қувват олиш, ўзининг насли меросиз, тўсидан осмондан тушган эмас, аксинча томирлари теран, бирнеча асрлардан буён келаётган бойтеракнинг шохи эканлигини англаш зарурлиги пайдо бўлади [2:6]. Ҳақиқатдан ҳам, биз маънавий хазинамизни қанчалик кўп ўргансак,

бугунги кунда бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Қорақалпоғистон тарих мактабининг асосчиси, кўплаб шогирдларнинг устози академик Собир Камалов ўз фаолияти давомида нафақат илмий, балки ижтимоий-сиёсий фаолият ҳам олиб борган, кўплаб жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўз илғор ташаббусларини илгари сўрган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Академик Собир Камаловнинг таржимаи ҳоли ва сиёсий фаолияти ҳақидаги асосий маълумотлар асосан архив ҳужжатларида, илмий мақолалар тўпламларида ва ҳамкасблар, шогирдларининг хотираларида мавжуд. Академик Собир Камалов – Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирган етук олим, сиёсат ва жамоат арбобидир. Унинг сиёсий фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилиш, мамлакатни ривожлантириш ва илм-фанни раванқ топтиришга қаратилган. Унинг раҳбарлиги остида кўплаб муҳим ислохотлар амалга оширилган.

Бундай инсоннинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб маҳаллий ва Республика Кенгашларига депутат қилиб сайланиши ҳам табиий ҳолдир. У 1959-1999 йилларда 40 йил давомида узлуксиз Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Олий Советларига депутатликга сайланиб келди. Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг 1967 йил 6-апрелдаги Қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Олий Совети раиси ўринбосари С.Камалов Беруний тумани Хамза сайлов округидан Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати этиб тайинланди [3:6]. Кейинчалик эса Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг 1971 йил 1 октябр ҳолатидаги депутатлар рўйхатида Қорақалпоғистон Олий Совети раиси ўринбосари Собир Камалов Нукус шаҳри №11 Калинин сайлов округидан Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати этиб тайинланди [4:10].

Натижалар. Тадқиқодларимиз шуни кўрсатадики, Академик Собир Камалов жўда кўп ва ҳар ҳил маъсулиятли жамоат ишларига, турли ҳил масалалар бўйича комиссия ишларига жалб қилинган. Масалан, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Президиуми Кегейли тумани вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссия таркибида иштирок этган [5:2]. Мазкур комиссияда Собир Камаловдан ташқари маҳаллий жамоат арбоблари Х.Абдуллаева, Ж.Бекжанов, А.Панкратов, Г.Назруллаев, Р.Мухамедов ва П.Абдреймовлар бўлган. Комиссия аъзолари ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиш, мактаб дарсларини сабабсиз қолдириш, мактабни ташлаб кетиш, назоратсиз қолган болалар тақдири каби муаммоларни аниқлаган ва уларга чора кўрган.

Тадқиқодларимиз давомида Қорақалпоғистон АССР Олий Совети раиси, раис ўринбосарлари, котиби ва аъзолари томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвали ҳақида маълумотларни топдик. Масалан, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раиси К.Рзаев ҳафтанинг ҳар сешанба куни соат 10⁰⁰да, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари М.Луев ҳафтанинг жума куни соат 10-00да, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми котиби Ф.Джуманиязова ҳафтанинг чоршанба куни соат 10-00да фуқароларни қабул қилган. Бизларни табиийки, илмий ишимиз мавзуси бўлган Собир Камалов фаолияти қизиқтиради. У ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 15-00да фуқароларни қабул қилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1964 йил 30 ноябрдаги №21 сонли Протоколида ишчи депутатларнинг Хўжайли шаҳар Совети ташкилий-оммавий ишининг ҳолати ҳақида баёнат келтирилган [6:14]. Бу баёнат С.Камалов, А.Нурпейсов, Ф.Жуманиёзов, К.Таджиев, А.Данченколар ҳаммуаллифлигида тайёрланган. Унда туман ишчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш ҳақида тақлифлар келтирилган. Худди шундай ҳужжат, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 19 июндаги №23 сонли Протоколида ишчи депутатларнинг Кенес ва Шуманай қишлоқ Совети ташкилий-оммавий ишининг ҳолати ҳақида баёнатда келтирилган [7:3]. Мазкур масала бўйича баёнат С.Камалов, Т.Шабанов, У.Қунназаров, Д.Ешимбетовлар томонидан тайёрланган. Қишлоқ Советларининг

ташкилий-оммавий ишларини яхшилаш, ўз ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш, энг муҳим масалаларни Кенгаш ва унинг Ижроия Қўмитаси муҳокамасига киритиш, доимий комиссияларнинг ролини ошириш, депутатларнинг Кенгашдаги ва сайлов округларидаги ишларини фаоллаштириш, Кенгаш фаолиятида ошкораликни кучайтириш, овул ҳаётига оид энг муҳим масалаларни фуқаролар муҳокамасига қўйиш, шунингдек, Кенгаш ва Ижроия Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларни аҳоли эътиборига етказиш каби муҳим масалалар ёритилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 апрелдаги №10 сонли Протоколида меҳнаткаш депутатларнинг Тахтақуип тумани Совети ташкилий-оммавий ишининг ҳолати ҳақида баёнати келтирилган[8:3]. Баёнат С.Камалов томонидан тайёрланган ва мазкур президиум мажлисида муҳокама қилинган.

Муҳокама. Бу архив маълумотлар шундан далолат берадики, Собир Камалов халқ билан доимий мулоқотда бўлган, унинг жамоатчилик билан учрашувлари, муаммоларни ҳал этишдаги фаоллиги халқ орасида катта ҳурмат қозонишига сабаб бўлган.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1964 йил 22 сонли Протоколида «Фуқароларнинг меҳнат қилмай топган даромадлари, сотилган ёки сотиб олинган уйлари ва бошқа иншоотларини текинга олиш ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 3 сентябрдаги буйруғини бажариш ҳақида С.Камалов томонидан баёнат тайёрланган [9:5]. Бундан ташқари, мазкур президиум мажлисида юқоридаги муаллиф томонидан «Республикада туман Халқ судлари сайловларининг яқунлари ҳақида» маълумотнома тақдим қилинган. Бу архив ҳужжатлари шуни кўрсатадики, академик Собир Камалов нафақат самарали илмий фаолият, балки сиёсий фаолиятнинг турли-туман масалалари бўйича шуғулланганлигидан далолат беради.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 27 февралда 11сонли Протоколида «Қорақалпоғистон АССРда 1980 йили халқ хўжалигининг турли тармоқлари ишчилари, кўп болали оналар ва меҳнат фахрийларини орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирлаш натижалари тўғрисида» Қарори ижроси масаласи кўриб чиқилади. Ушбу масала юзасидан маълумотнома Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари С.Камалов томонидан тайёрланган. Унда эришган ютуқлари учун Қорақалпоғистонлик 1005 ишчи Собик Иттифокнинг турли орден ва медаллари билан тақдирланган, шу жумладан бир Социалистик меҳнат қаҳрамони, 11 нафар Ленин ордени, 13 нафар Октябр инқилоби, 101нафар Меҳнат қизил байроғи, 40 нафар Халқлар дўстлиги, 160 нафар Фахрий ёрлик, 9 нафар II-даражали Меҳнат шон-шарафи, 8178-Меҳнат фахрийси унвонлари билан мукофотлангангани қайд этилган. Шу билан бирга, 1980 йили давлат мукофотларини топшириш ва тақдирлаш бўйича ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор ижроия қўмиталари ишида камчиликлар мавжуд. Масалан, кўп болали оналарни рўйхатдан ўтказишда қонунбузарликларга йўл

кўйилган ва мукофотларга лойиқ оналарни қамраб олиш фоизи паст бўлган. Медалларга номзодларни тавсия этишнинг талаблари бузилган, кўп болали оналарни мукофотлаш учун материаллар кеч тақдим етилган ва мукофотни қайта топшириш ҳолати мавжуд. Шундай қилиб, Хўжайли туманида Ж.Сейтнйезова исмли фуқарога «Кахрамон она» унвони иккинчи маротаба берилган [10:110-111]. Бу вазият шундан далолат берадики, С.Камалов ҳар бир маърузасини пухта тайёрлаб, танқидий руҳда кўриб чиқиб, чуқур таҳлиллар асосида тақдим қилганлигини англатади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 29 майдаги 23 сонли Протоколида «Қорақалпоқистон АССР географик номларини хариталарга ўтказиш бўйича кўрсатмаларнинг қисман ўзгариши ҳақида» қарор қабул қилинади. Унда Топономик ва Терминологик комиссиянинг доимий вакиллари тайинлаш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинган. Ушбу баёнат С.Камалов, К.Абдимуратов, Ф.Жуманиязова томонидан тайёрланган [11:15]. Шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 31 январдаги 19 сонли Протоколида «Автоном Республика ишчи депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида демократик тамойилларга риоя этиш тўғрисида» қарор қабул қилинади [12:3]. Унда Топономик ва Терминологик комиссиянинг доимий вакиллари тайинлаш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинади. Ушбу баёнат С.Камалов, С.Иманқулов, Ф.Жуманиязова, Д.Ешимбетов томонидан тайёрланади. Ушбу ҳужжатда ишчи депутатлари туман ва маҳаллий Кенгашларининг ижроия қўмиталарига мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш, ижро етувчи

хокимият маҳаллий Кенгашларининг барча фаолиятида демократик тамойилларга қатъий риоя этилиши ва янада ривожлантирилишини тушунтириш мажбурияти юклатилиши белгиланлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Тадқиқодимиз шуни кўрсатадики, 1977 йил 24 июнда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг №117 сонли Қорақалпоғистон АССР Конституциясини тайёрлаш бўйича комиссияни тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинади [13:10]. Бундай ғоят маъсулиятли ишни амалга ошириш учун 45 одамдан иборат комиссия шаклланиши белгиланган. Улар уша пайтдаги давлат ва жамоат арбобларининг энг олдинги катордаги вакиллари эди. Масалан, Қ.Камалов, Ч.Абдиров, С.Камалов, А.Балакин, Д.Ешимбетов, С.Каниязов, В.Кислов, М.Лунев, К.Рзаев, Т.Щербек, К.Юсупов каби етук номдорлар комиссия таркибига кирган эди. Маълумки, Қорақалпоғистон АССРнинг Конституцияси 1978 йил 29 майда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг тўққизинчи қақирқ саккизинчи навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинди.

Хулоса. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Қорақалпоғистонда тарих деган муқаддас илмнинг бошида 60 йилдан ортқ карвонбошилиқ қилган, унинг оғир-енгилини кўтарган, ватанининг тарихини ёзишдек шарафли бурчни бажаришда энг олдинги сафда ҳисса кўшган, тарихни тарбия қуролига айлантирган, қорақалпоқ тарихчиларининг отаси академик Собир Камаловнинг фаолияти илмий изланишлар ва сиёсий фаолият билан узвий боғлаган. Унинг илмий ишланмалари ва сиёсий фаолияти мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта хизмат қилган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил 29 декабрь.
2. Базарбаев Ж., Базарбаев Р. Қарақалпақлардың тарийхына жаңаша көзқарас. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2020.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви 229-Фонд, 1-Руйхат, 1290-Иш, 6-б.
4. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1313-И, 10-б.
5. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1272-И, 2-б.
6. ҚР МДА, 229-Ф 1-Р, 1274-И, 14-б.
7. ҚР МДА, 229-Ф 1-Р, 1287-И, 3-б.
8. ҚР МДА, 229-Ф 1-Р, 1329-И, 3-б.
9. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1277-И, 5-б.
10. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1412-И, 110-111-б.
11. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1334-И, 15-б.
12. ҚР МДА, 229-Ф 1, 1331, 3-б.
13. ҚР МДА, 229-Ф, 1-Р, 1359-И, 10-б.